

Мотивацион эссе ёзишга оид услубий тавсиялар:

Кўпчилик хорижий университетлар мотивацион эссе хат ёзишни талаб қилишади. Бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари учун ёзиладиган мотивацион эссе хатларни ёзишда номзодлардан маълум қоида ва услубларга амал қилишлари талаб қилинади.

Одатда мотивацион эссе хатлар қуйида кўрсатилган умумий талабларга жавоб бериши лозим.

1. Мотивацион эссе хатнинг ҳажми ўртача 500 – 1000 сўз атрофида бўлиб, бир ёки икки варақдан иборат бўлиши мумкин.

2. Эссе хати асосан учта қисмдан иборат бўлади ва улар қуйидагилар:

- Кириш
- Асосий қисмлар
- Хулоса

3. Мотивацион эссе хатларни одатда MS Office дастуридаги мавжуд бўлган услублар, яъни “Times New Roman”, “Arial” ва “Bookman” шаклларида фойдаланилган ҳолда 12-14 шрифтда ёзилади.

Мотивацион эссе хатининг мазмуни.

Мотивацион эссе хатни ёзишдан кўзланадиган асосий мақсад, номзодни ҳақиқатдан ҳам ўзи танлаган соҳа ёки йўналишга мос келишини аниқлашдан иборат.

Жамғарма стипендиатлигига номзодлар қуйидаги бандларга эътибор беришлари талаб этилади.

1. Мотивацион эссе хат ёзилаётган вақтида, номзод қайерга ва нима учун ҳужжат топшираётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

2. Дастур талабларини чуқур билган ҳолда, нима сабабдан у энг яхши номзод бўла олишини камида учта асосий талабларга таянган ҳолда исботлаб, ёритиб бериши лозим.

3. Стипендиантликка номзодлар, нима сабабдан ўзлари танлаган мутахассислик бугунги кунда долзарб эканлиги ва аҳамиятини эссе хатларида ифода қилишлари талаб қилинади. Яъни нима учун айнан танланган соҳа, танланган йўналиш ёки дастурни танлашдан номзоднинг мақсади ва йўналишни тугатиб келгандан сўнг танланган йўналиши ва олган билим ва кўникмаларнинг жамият ва давлатга

фойдаси қай даражада муҳим эканлигини ёритиб беришлари талаб қилинади.

4. Номзодлардан мотивацион эссе хатларида вазият ва имкониятларга холис баҳо беришлари ҳамда эссе ёзиш жараёнида ҳақиқийликка, ҳаққонийликка амал қилишлари, кўчирмачилик ёки ёлғон маълумот ишлатмасликлари талаб қилинади.

5. Номзодлар эссе хатларида иш ва билим тажриба ва кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда нега айнан ўзлари танлаган мамлакат, олий таълим муассасаси танлаган йўналишларининг аҳамияти ҳақида маълумот беришлари сўралади.

6. Хулоса қисмида, номзодлардан танлаган дастур ва йўналишларининг нафақат мамлакат ва жамият, қолаверса номзодларнинг илмий ва касбий ривожланишига қай даражада таъсир қилиши далил ва исботлар билан ёритиб берилиши лозим.

7. Мотивацион эссе хатни жўнатишдан олдин, яна бир марта ундаги услубий, грамматик ва синтактик қоидаларга тўлиқ амал қилинганлиги текширилиши ва албатта эссенинг қисмларининг узвий боғлиқлиги, мазмун жиҳатдан тўлиқ ёритиб берилганлигига ишонч ҳосил қилиш талаб қилинади.